



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

Ташкент Оқшом

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 133 (11.944)

Баҳоси эркин нарҳда



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ёшлар — келажакимиз

Ёшларимиз орасида санъат соҳасида бир қатор ютуқларни қўлга киритиб келадиган истеъдод эгалари сони йил сайин ортиб бораётир. Айниқса музика санъатига ихлос қўйган ёшларимиз орасидан халқро танловлар ғолиб ва совриндорларнинг қўлга киритаётган ютуқларини эшитиб, беихтиёр қалбимиз ғурурга тўлади.



ИСТИҚБОЛИ ОЙДИН ҚИЗ

публика ихтисослаштирилган музика академик лицейида фортепиано бўйича тажрибали устозлардан сабоқ олди. Лоланинг музика санъатига бўлган қизиқиши, иқтидорини устозлари ҳам муносиб баҳолашди.

— Маълумки, истиқлол шарофати билан юртимизда ёшлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Ҳар бир соҳада истеъдодли ёшлар қўллаб етиштиб чиқмоқда. Жумладан, Лола Расулова ҳам иқтидорли ўқувчиларимиздан, — дейди мазкур музика академик лицейи директори Дилдора Жамолова. — У ўз устида тинмай ишлайдиган, изланувчан, интилувчан ўқувчи эди. Лола Франция, Италия, Германия, Россия, Швейцария, АКШ сингари давлатларда бўлиб ўтган халқаро кўриқ-танлов ҳамда концертларда катнашиб, совринли ўринларни қўлга киритган, олқишлар олган. Академик лицейимизни тамомлагач, Россиядаги махсус музика мактабига ўқини давом эттирди. Сўнгра Женева давлат консерваториясида тахсил олди. Ҳозирги кун

да Лола Расулова Женевада ёш музика ихлосмандларига фортепианодан сабоқ бериб келмоқда. Энг қувонарлиси, Лола ҳар йили Мустақиллигимиз байрами арафасида Ташкентга келиб, музика академик лицейимизда ўз концерт дастурини намойиш этади. Биз албатта мана шундай иқтидорли ўқувчиларимизни қўллаб қувватлашга, ижодий салоҳиятини юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги барчамизни қувонтиради, албатта. Зеро, Лола Расулова каби ёш музикачиларимизнинг номи жаҳон сахналарида янграётганлиги бизга фахр-ифтихор туйғуларини бахш этади.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: Лола Расулова
(ўртада) ҳамкасблари даврасида
Козим Улмасов олган сурат

ОРЗУЛАРИМ РЎЁБИНИ ЁШЛАР ФАОЛИЯТИДА КЎРМОҚДАМАН

Халқро миқёсдаги мусобақаларда катнашиб, юқори натижаларга эришаётган спортчиларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Спорт оламида ўзбекистонлик атлетларнинг салоҳияти тобора ортиб бораётганини жаҳон спорт жамоатчилиги кенг эътироф этаётир. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида спортни ривожлантириш, иқтидорли спортчиларни тайёрлашга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир.

Белбоғли кураш бўйича фахрийлар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири, доцент Аъзамжон ШОКИРЖОНОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирига бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Юртбошимиз раҳнамолигида ўсиб келатган ёш авлодни баркамол, жисмонан ва маънан соғлом қилиб тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири сифатида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бугун ўз самарасини бермоқда, — дейди А.Шокиржонов. — Дунёнинг қўллаб қувватларида бўлганман ва шуни ишонч билан айта оламанки, ҳеч бир мамлакатда спортга Ўзбекистондагидек тизимли ва алоҳида эътибор қаратилмайдими. Биргина мисол, мамлакатимизда уч босқичли спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари ёшларимиз учун том маънода чиниқш ва камолот мактабига, халқро майдонларда эришаётган юксак муваффақиятларининг мустаҳкам пойдевориға айланмоқда. Бугун ушбу спорт ўйинларида кашф этилган ва халқро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб химоя қилаётган ўнлаб спортчиларимизга жаҳон спорт жамоатчилиги катта қизиқиш ва ҳавас билан қарамоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, спорт ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг салоҳиятини намойиш этиш, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситаларидан биридир. Бу Ватани шарафи учун майдонга чиқаётган ҳар бир спортчиға катта ғурур ва ифтихор бағишлайди. Ёш авлод қалбида Ватанға муҳаббат, юртға садоқат фазилатларини шакллантиради, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, иродаси бақувват, имон-эътиқоди мустаҳкам инсонлар бўлиб камол топишида бекиёс аҳамият касб этади.

(Давоми 4-бетда)

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда ижтимоий шериклик масалалари ва фуқаролик жамияти лойиҳаларини ривожлантириш концепциясида фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланиши, уларнинг амалга оширилаётган ислохотларнинг очик-ошкоралиги ва самардорлигини таъминлашдаги ролини кучайтириш учун «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарурлигини таъкидлади.

Маълумки, ижтимоий шериклик жамият асосий қатламларининг муҳим социал-иқтисодий манфаатларининг мувозанатли амалга оширилишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатларнинг алоҳида йўналиши ҳисобланади. Турли ижтимоий қатламлар манфаатларини уйғунлаштириш ва химоя қилиш, иқтисодий ва сиёсий вазифаларни ҳал этишга қўмаклашиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ижтимоий шериклигининг муҳим вазифаси саналади.

— Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва хусусий сектор шериклигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, бу борада бой тажриба тўпланган, — дейди ЕХТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Иштван Венцель. — Давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бизнес-тузилмаларнинг яқин ҳамкорлиги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, инсон ҳуқуқларига риоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Давра суҳбати катнашчилари истиқлол йилларида мамлакатимизда шериклик муносабатларини ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилганини таъкидлади. Ушбу соҳани тартибга солувчи 30 дан ортик қонун ҳужжатлари ва низомлар қабул қилинди. Бу эса демократлаштириш жараёнини жадаллаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятиға интеграциялашувига қўмаклашади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори Акмал Саидовнинг айтишича, мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимизда ижтимоий шериклигининг миллий модели шаклланди. Бизнинг шароитда давлат шериклик муносабатларининг ташаббускори бўлмоқда, уларнинг ҳуқуқий базасини яратиб, ривожланишиға ёрдам бермоқда.

Тадбирда ижтимоий-иқтисодий дастурларни, меҳнат муносабатларини амалга ошириш, таълим ва аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш соҳаларида шериклик масалалари, Омбудсманнинг давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлигиға бағишланган маърузалар тинланди.

С.ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Ташкент шаҳар ҳокимлигининг ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Учтепа туман ҳокимлигида ўтказилган тадбирда туманда олиб борилатган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг самаралари ҳақида сўз борди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Кураш федерациясида бўлиб ўтган тадбир «Ёш полвонлар дунё кўзгусида» деб номланди.

✓ **ЭРТАГА** Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида

«Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида ўтказиладиган «Мустақил юрт фарзандлари» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир Маънавият тарғибот маркази М.Улуғбек тумани бўлими ташаббуси билан ўтказилади.

ЖАҲОНДА

• Европарламент депутатлари Страсбургда ўтказилган мажлисда Шенген ҳудудида Европа ахборот-технология тизимларини бошқариш агентлигини тузиш гоёсини маъқуллаб, овоз беришди. Агентлик Шенген ахборот-технологик тизими фаолиятини мунтазам таъминлаб туради. «Шенген агентлиги» бош қароргоҳи Таллинда, сервери Страсбургда ва техник таъминоти станцияси Испаниянинг Понге шаҳрида жойлашиши тақлиф қилинди.

• Хитойнинг Шэньси музофотидаги Люэян уездида юз берган кўчки катта талафотларни келтириб чиқарди. Жумладан, 5 минг кубометрга тенг тоғ жинслари 12 та уйни босиб қолган. Табиий офат 18 кишининг умриға зомин бўлган, бир неча киши бедарак йўқолган. Айни пайтда воқеа юз берган жойда 400 нафардан зиёд қутқарувчи иш олиб бормоқда.

• 100 нафардан зиёд афғон жангарилари Покистон ҳудудиға бостириб кириб, чегарабўйи ҳудудидаги бир неча қишлоқларни ўққа тутди. Ҳужум оқибатида ҳалок бўлганлар ҳам бор. Дастлабки маълумотларға кўра, жангарилар Нусрат Дара қишлоғидаги бир неча мактаб ва масжидни вайрон қилишган.

• Ҳиндистон шимолида террорчиларни олиб кетаётган автобус поезд билан тўқнашиб кетди. Патийали шаҳрида юз берган ушбу фожеа оқибатида 30 нафар одам ҳалок бўлган. Фалокат содир бўлган пайтда автобусда жами 70 киши бор эди. Улар яқинларининг тўйидан қайтишганда ноҳуш воқеа автобус ҳайдовчиси айби билан юз бергани айтилмоқда.

• Париждаги Ле-Бурже авиасалонидаги кўрғазмада «Нуретмас» компаниясининг товушдан тез ҳаракатланадиган 20 ўринли авиалайнери лойиҳаси намойиш этилди. Иختирочиларнинг сўзларига қараганда, «SonicStar» деб номланган янги самолёт жуда тез уча олиши билан ҳозиргиларидан ажралиб туради. Масалан, ҳозирги кунда Нью-Йоркдан учган самолёт 20 соатда Сиднейға етиб борса, «SonicStar» бу масофани беш соатда босиб ўтади. Мутахассислар самолётни 2021 йилдан ишлаб чиқариш бошланишини билдирдилар.

Ўзбекистонда эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва эркинлаштириш, уларнинг демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнидаги кенг иштирокни таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Зеро оммавий ахборот воситаларининг фаолияти жараёнидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, жамиятни содир бўлаётган воқеалар юзасидан тезкор, тўла ва ҳолис хабардор қилишнинг зарурий шартини бу оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлашдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, уларни моддий – техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, журналистларнинг ижодий фаолигини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 ноябрдаги «Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги «Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий сиёсий жағмағармаси тўғрисида»ги 394-сонли ҳамда 2006 йил 8 ноябрдаги «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида беғараз кўмакни жалб этиш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 232-сонли қарорлари шулар жумласидандир.

Аммо шу билан бирга, бугунги кунда ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантириш таъминлашга қаратилган яхлит қонун мавжуд эмас. Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номи маърузасида «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш таклифи илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлашда ва фаолиятини ташкил этишда энг аввало, унинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш – лозимлигига алоҳида эътибор

қариб, бу борада қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эдилар: «Ҳаммамиз бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз лозим: матбуот эркинлигининг кафолати – ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобатни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Бугун оммавий ахборот воситалари олдиде иқтисодий шериклар топиш, иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлашга эришиш борасида кенг ва реал имкониятлар пайдо бўлмоқда, бу эса ўз навбатида, уларнинг эркин ва мустақил фаолият кўрсатишида асосий омил

Концепция: устувор вазифалар

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

бўлиб хизмат қилади. Барча оммавий ахборот воситаларига, мулк шакли, тиражи, қамрови ҳамда мавзу йўналишидан қатъи назар, уларнинг мамлакатимиз ахборот майдониде ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши учун давлат зарур шарт-шароитларни яратиш бериши лозим. Айтиш мумкинки, бу – жамиятни том маънода демократлаштириш гаровидир».

Концепцияда илгари сурилган «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, бошқа кўпгина масалаларни ечиш билан бирга, мустақил нашрларни табиий монополиялар, ҳомийлар ва реклама берувчилар, матбуот тарқатувчилар, ноширлар ва бошқаларнинг салбий таъсиридан самарали ҳимоя қилган бўлур эди.

Бинобарин, мазкур қонунда оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий, техникавий ва бошқа қоралари ўз ифодасини топиши лозим. Хусусан, зарурат туғилганда давлат оммавий ахборот воситаларига дотация бериши, улар томонидан қўрилган зарарларни қоплаш йўли билан иқтисодий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш, ривожланган бозор муносабатлари шароитида оммавий ахборот воситалари эркинлиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш, ахборот соҳасидаги рақобатни назарда тутиш мақсада мувофиқдир.

Қонунда тахририятнинг тадбиркорлик фаолиятини даромад олишининг қонуний асослари аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Хусусан, қонунда эфир вақтини

ва ўз маҳсулотини реализация қилиш, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар, реклама жойлаштиришга босма нашрдан жой бериш, абонент тўлови, тираж тушумлари, тайёрланадиган ахборот ва ахборот маҳсулотларини реализация қилишнинг бошқа шакллари – тахририятнинг даромад манбалари сифатида белгилаб қўйиш мақсада мувофиқ бўлади.

Хорижий давлатларда оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборотларни тарқатиш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш кенг йўлга қўйилган. Мисол учун Франция Республикаси қонунчилигида даврий босма нашрларни маълум бир вақтда чоп этиш, уларнинг ижтимоий фойдали эканлигининг тан олинishi, яъни инсон маданиятини оширишга, дунёқарашини кенгайтиришга қаратилган бўлиши ва бепул тарқатилмаслик каби талабларга жавоб берган тақдирда, бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши назарда тутилган, ушбу имтиёзларнинг асосий турларида оммавий ахборот воситаларининг моддий базасини ривожлантиришга йўналтирилган даромад солиғидан озод этиш, қўшилган қиймат солиғининг камайтирилиши, божхона божидан озод этиш, журналистларнинг профессионал фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларга чегирмалар қўйиш, даврий босма нашрларни тарқатишдаги почта тўловларини камайтириш, телеграф ва телефон хизматлари тўловлариде чегирмалар қўйиш кабилар ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, ушбу давлатда мақсадли харажатларни молиялаштириш учун субсидиялар ажратилиши назарда тутилган. Мисол учун баъзи бир кундалик умумий газеталарга, агар улар рекламалардан етарли даромад ололмаган бўлса ҳамда бюджет ва ижтимоий сугурта фондларига тўланадиган тўловлар бўйича қарзлари бўлмаса, субсидиялар ажратилади.

Шунингдек, Буюк Британияда ҳам кўпгина телевизион компанияларга мақсадли субсидиялар берилади. Мисол учун бундай субсидиялар Уэльсда телеэшиттиришни амалга ошириш учун ажратилади. Бундай субсидияларнинг мақсади Уэльсдаги ҳам сонли миллатлар тилида дастурлар тайёрлашни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Хулоса сифатида шун таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш ва ривожлантиришда улар фаолиятининг иқтисодий асосларини яратиш долзарб аҳамият касб этади. Бу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Концепцияда илгари сурилган «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ж.МУРОТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Алоқа

ОВОЗ УЗАТИШ СОҲАСИ УЧУН

Мамлакатимизда ахборот технологиялари йўналишида кенг қўламли изланишлар олиб борилмоқда. Товушли сигналлар ҳажмини кичрайтиришга оид дастур доирасида амалга оширилган тадқиқотлар ҳам мутахассислар эътиборини ўзига тортмоқда.

Тошкент Ахборот технологиялари университетининг икtidорли талабаларидан бир гуруҳининг мазкур йўналишдаги изланишлари ўз ижобий натижасини берди. Лойиҳа радио ва телевидениенинг овоз узатиши жараёнига мўлжалланган бўлиб, товушли сигналларни узок масофага тезкор жўнатиш имконини беради.

РАДИОТЕХНИКА ЮТУҚЛАРИ АСОСИДА

«Радиоалоқа технологиялари» деган ибора эндиликда мутахассислар орасида кенг оммалашиб бормоқда. Бу соҳани ривожлантиришда радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти томонидан олиб борилаётган изланишлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитувчи ва талабаларининг рақамли алоқа тизимларида модернизациялаш усуллари, алоқа тизимларида кенг қўламли сигналлардан фойдаланишга доир ишланмаларни яратиш устидаги тадқиқотлари қутилган натижага эришти. Эндиликда телерадиоузелни сигналларига ишлов бериш борасида ҳам янги таклифлар илгари сурилди.

ХАЛҚАРО ТАРМОҚ

Мамлакатимизда мустақил алоқа тизимини барпо этиш йўлида самарали техникавий жараёнлар амалга оширилди. Халқаро «Интелсат» йўлдош алоқа тизими ва сизими 810 каналдан иборат бўлган, «HEAX-61» халқаро коммутация станцияси қурилиши бу жараёнда муҳим аҳамият касб этди.

Биринчи босқичда Япония билан ҳамкорликда 20 та канал ташкил қилинди, бу эса Ўзбекистоннинг халқаро телекоммуникация тармоқларига мустақил чиқишини таъминлайдиган илк қадамлардан бири бўлди.

Кейинчалик яна қўшимча жиҳозларнинг ўрнатилиши ҳисобига ушбу станцияларнинг сизими 4 баробарга ошди. Ана шу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида қисқа вақт ичида Ўзбекистоннинг мустақил халқаро алоқа тизими юзига келди.

СОҲИБКОРЛАР ЮТУГИ

«Ўзвинсаноатхолдинг» компанияси республикамиз соҳибкорлари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйди. Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик илмий маркази билан яқин алоқа ҳам ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон винолари ҳақон миқсиде ўтказилган танловда ҳам эътироф этилмоқда. Париж ва Нью-Йорк шаҳарларида уюштирилган кўргазмаларда эса икки хил вино олтин медал билан тақдирланди.

«Ўзвинсаноатхолдинг» компанияси эса энг фаол тадқиқотчилар кўригини ўтказди.

АГРОКИМЁВИЙ УСУЛ

Ўзбекистон Миллий университетининг табиий бирикмалар кимёси кафедрасида шўрланган ерларда картошка етиштириш юзасидан олиб борилаётган изланишлар натижаси мутахассислар эътиборини ўзига тортди.

Юқори концентратли инвентро тузлари картошканинг ўсиши ва ривожланиш жараёнини тезлатиш имконини берибди. Бу тадқиқот истиқболли агрокимёвий усул деб баҳоланди.

ЯНГИ ЛОЙИҲА — АМАЛДА

«ЎзАлоқа Консалтинг» масъулияти чекланган жамияти «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг республикамиздаги барча филиалларига консалтинг, инжиниринг хизматлари кўрсатиб келмоқда. Шу билан бирга, телекоммуникация хизматлари билан таъминланмаган инфратузилма объектларини телефонлаштириш ҳамда қишлоқ ахборот тармоғини реконструкция қилишга эътибор кучайтирилди.

«Қишлоқ ҳудудларида ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа олис ва бориш қийин аҳоли масканларида симсиз технологиялар асосида телекоммуникация тармоғи қамровини кенгайтириш имконини беради.

Ушбу лойиҳа доирасида эса «Дастлабки техник-иқтисодий асослаш» дастури ҳам ишлаб чиқилди. Режалаштирилган ушбу вазифа бўйича инвестиция ҳужжатлари тайёрланди.

Акбар АЛИЕВ

Бандлик

ФАРОВОН ҲАЁТНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Меҳнатга лаёқатли аҳоли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан янги иш ўринларини яратиш орқали ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари фуқароларни ишга жойлаштиришда муҳим ўрин эгалламоқда. Тошкент шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг маълумотларига қараганда, шу йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, пойтахтимизда 45 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилган. Бунда мўлжалдагидан 8,4 фоиз ўсишга эришилган. Жорий йилда пойтахтимизда жами 80,6 мингдан ортик янги иш ўрни ташкил қилиш кўзда тутилган.

Тошкентда сўнгги олти ойда кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳисобидан 27 мингдан ортик иш ўрни яратилди. Янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши туфайли 736 янги иш ўрни очилди. Ишлаб чиқариш салоҳиятининг оширилиши эса 4057 дан зиёд иш ўрнини ташкил этиш имконини берди.

Масалан, пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Neo Sun Light» корхонасида ишлаб чиқариш қувватларининг оширилиши натижасида қўшимча 160 иш ўрни яратилди. Шайхонтоҳур туманидаги хорижий ишлаб чиқариш корхонаси «Аркадия Текстиль» масъулияти чекланган жамиятида ҳам 240 иш ўрни ташкил этилди.

Таъкидлаш керакки, Шайхонтоҳур тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ёрдамида 2011 йил 1 июль ҳолатига кўра, туманда 4918 янги иш ўрни яратилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 19,4 фоиз кўпдир.

Мазкур марказ директори ўринбосари Шохруҳ Хўжаевнинг айтишича, ҳар

ой www.mexnat.uz сайтида жойлаштирилган бўш иш ўринлари базаси янгиланмоқда. Бу прогност тузиш ва бугунги кунда қайси мутахассисликка талаб юқорилигини аниқлаш имконини яратмоқда. Марказ иш билан таъминланмаган шахсларни ўқитишга ҳам ёрдам бермоқда. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси хузуридаги ўқув марказида 28 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Унинг мутахассислари фуқаролар билан мунтазам равишда иш олиб бормоқда. Ҳар бир маҳаллага инспектор бириктирилган бўлиб, фуқаролар йиғинларида одамларга мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумот бермоқда.

— Илгари фақат уй юмушлари билан банд эдим, — дейди Шайхонтоҳур туманида яшовчи Малика Ҳамидова. — Туманимиз бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига мурожаат қилганимдан сўнг, компьютер саводхонлиги курсларида ўқидим. Кейинчалик марказ уйим яқинидаги 41-умумтаълим мактабига лаборант бўлиб ишга жойлашимимга ёрдам берди.

Касб-хунар коллежлари битирувчилари билан алоқани мустаҳкамлаш Шайхонтоҳур тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу йил касб-хунар коллежларини беш мингдан ортик ўқувчи таломлаганини ҳисобга олсак, бу ишнинг аҳамияти янада ойдинлашади.

В.КОЧЕНКОВ
(ЎЗА)



«Зиё» ўқув маркази чеварлари ўз касбларининг моҳир усталаридир

Бизнес соҳасининг ривож топишида ахборот технологиялари муҳим ўрин тутди. Корхона жамоасининг тадбиркорлик салоҳияти туфайли ишлаб чиқаришда ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан самарадорликка эришилмоқда. Шахримизнинг Олмазор туманида фаолият кўрсатаётган бу корхона нон ва нон маҳсулотларини тайёрлашга сидқидилдан ёндошиб, харидорлар эътиборини қозониб келмоқда. Ҳар куни 4 тонна ундан 5-6 минг дона бўрсилдоқ нон тайёрлашга эришилмоқда.

Корхона раҳбарияти ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштиришга эътибор қаратиб бошқарувда компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини жорий этаётир.

— Бунинг учун биз иккита компьютерга эга бўлган эдик, — дейди жамоа раҳбари Ҳасан Нуруллаев. — Бугунги кунда тўртта «ақлли машина»дан фойдаланмоқдамиз. Электрон ҳужжат айланишини жорий этдик. Бу эса

Иқтисодиёт

БОШҚАРУВНИ КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ ОМИЛИ

маълумотларни олиш ва тарқатишни энгиллаштириш имконини бермоқда.

Корхонада ишлатилаётган дастурий таъминотлар асосан бухгалтерия ҳисоб-китоблари, молиявий ҳисоботлар тузишга қаратилган. Бизда бухгалтерга электрон мадад дастури ҳамда офис иловалари ишлатилади.

Компьютерларнинг икитаси интернет тармоғига уланганлигини ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Корхонада «ФТЛ» русумли нон печида ма-

Аҳмад ОБИДОВ


«Ипак Йўли» банки 21 йилдан бери жисмоний ва юридик шахсларга кенг кўламдаги сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Ушбу банк кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга сифатли ва қулай, жаҳон андозаларига мос келадиган банк хизматларини кўрсатишни ўзининг асосий вазифаси деб билади.

Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига банк активлари 535,5 млрд. сўм, кредит портфели эса 213,1 млрд. сўмни ташкил қилади. Республика бўйича умумий миқозлари сони 364 мингдан ошиб кетди.

«Ипак Йўли» банки кенг филиал ва экспресс-марказлар кўламига эга универсал банк бўлиб, ҳозирги пайтда бош амалиёт марказидан ташқари 10 та филиаллари мавжуд: Тошкент шаҳрида 5 та, Тошкент вилояти Янгийул туманида, Самарқанд, Шаҳрисабз, Навоий ва Наманган шаҳарларида биттадан филиали мавжуд. Бундан ташқари, Республика бўйича 72 тадан ошқиб экспресс-марказлар аҳолининг кенг кўламли қатламлари ва тадбиркорлик субъектларига сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг биринчи ярмида Қарши ва Андижон шаҳарларида ҳам янги филиаллар очиш ишлари якунланмоқда.

Европа Тикланиш ва тараққиёт банки дастури ва Осие Тараққиёт банки томонидан очилган кредит линияси орқали «Ипак Йўли» банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида микрокредитлар ажратилмоқда. 2006 йил апрелидаги Осие Тараққиёт банки билан Лойихавий келишув бўйича «Ипак Йўли» банкига кичик бизнес субъектлари ва микрофирмаларни молиялаштириш учун UZB-1963 лойихаси доирасида 1 миллион 300 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилди. Бу маблағлар яхши ўзлаштирилгани сабабли 2010 йилнинг иккинчи ярмида қўшимча равишда 10 миллион АҚШ доллари ажратиш ҳақида шартнома имзоланди ва бугунги кунда ушбу маблағнинг муваффақиятли ўзлаштирилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мазкур дастур йўналиши бўйича «Ипак Йўли» очқ ақциядорлик инновация тижорат банкида савдо-сотик, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш



соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга юқори савиядаги маслаҳатлар бериш мақсадида кредит бўлими очилган. Ушбу бўлим

билан кредит олиш орасидаги муддат иложи борича қайта кўриб чиқилган — дейди «Ипак Йўли» банки бош офисидаги микрокредитлаш бўлими бошқармаси бошлиғи Азиз

Йўли» банки 1997 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳозиргача ҚФВ банки томонидан 12 миллион евродан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилган бўлиб, бу маблағлар ҳисобига 30 дан ортиқ лойиҳалар молиялаштирилди. Шу билан бирга 500 га яқин қўшимча иш ўринлари яратилди.

2005 йилдан бошлаб «Ипак Йўли» банки Хусусий Секторни Ривожлантириш Ислох Корпорацияси билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Кичик ва ўрта бизнес вакилларини лойиҳавий молиялаштириш учун 2 миллион АҚШ доллари миқдорига молиялаштириш линияси очилди. Ушбу молиялаштириш линияси орқали ҳозирги кунгача 3,2 миллион АҚШ долларида ортиқ миқдорга 7 та лойиҳа маъқулланди ва молиялаштирилди ҳамда яна 4 лойиҳа кўриб чиқиш жараёнида турибди.

Бир сўз билан айтганда, банк олдида қўйилган мақсадларни амалга ошириш йўлида имкониятлардан оқилана фойдаланишга эришмоқда.

Ш. ИЛЁСОВА

«ИПАК ЙЎЛИ» БАНКИ КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

да банкнинг юқори малакали ходимлари хизмат кўрсатишмоқда. Дастур 2005 йилдан буён LFS консалтинг фирмаси кўмагида фаолият юритиб келмоқда. Ушбу дастурда кичик бизнес субъектлари учун жуда қулай ва тезкор бўлган кредит ажратилиши йўлга қўйилди. Шу кунгача микрокредитлаш дастури асосида 13 мингдан ортиқ микрокредитлар берилиб, унинг умумий миқдори 178 миллиард сўмни ташкил этади. Ажратилган кредитлар кўмагида тадбиркорлар ўз сармоясини ошириш имконига эга бўлишди ва албатта қўшимча иш ўринларини яратишга имкон туғилди. 2011 йил 1 март ҳолатига микрокредит портфели 32 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этади. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, банк шу йил охиригача қўшимча 100 га яқин иш жойлари очилишига кўмакдош бўлишни режалаштирган.

— Микрокредитлаш дастури ўзининг тадбиркорлар учун қулайлиги билан ажралиб туради. Кредитга ариза бериш

Ҳафизов. — Шу билан биргаликда «Ипак Йўли» банкнинг лойиҳаларни молиялаштириш фаолиятини ҳам алоҳида айтиб ўтиш керак. Унинг асосий мақсади Ўзбекистонда жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган замонавий асбоб-ускуналар ва технологиялар олиб келишни режалаштираётган ташкилотларга ҳамда импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлган корхоналарга имтиёзли кредитлар ажратиш орқали ривожлантиришдан иборат.

Банк лойиҳаларни молиялашнинг ҚФВ Германия тараққиёт банки ҳамда Ислох тараққиёт микрокредит портфели банкнинг Хусусий Секторни Ривожлантириш Ислох Корпорацияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Германиянинг ҚФВ банки ва «Ипак

Нуриддин 2008 йилнинг сентябрь ойида БАА давлатидан «Шевролет Оптра» автолуовини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирди. Бироқ боғжона тўловлари қимматли ва бунинг учун анчагина маблағ талаб қилиниши туфайли улловни сотишга қарор қилди. Бир-иккита танишлари орқали автомашина сотаётганлигини маълум қилди.

— Ака, машина сотаётган экансиз, — деди қўнларнинг бирида унинг уйига ташриф буюрган маҳалладоши Улугбек Тожидинов.

Улугбек отасининг яқин қўнлар ичиде бўладиган юбилейига тўёна сифатида автомашина олиб беришнинг эканлигини айтarkan, Нуриддиннинг хориждан олиб келган автолуовини кўриш истаги борлигини маълум қилди. Савлат тўғиб турган машина ҳар қандай ҳайдовчининг ҳавасини келтириши табиий эди.

— Қанча сўрайсиз бунга? Нуриддин уллов учун қилган сарф-харажатларини ҳисоблаб берди ва улар савдолашиб, жами 31 400 АҚШ долларига келишди.

Эртасигаёқ пулнинг бир қисмини олиб келган Улугбек Тожидинов автолуов учун бирламчи пул миқдори 17 500 АҚШ доллари миқдорини Нуриддинга топширар экан:

— Ака, бир илтимос бор эди, — деди. Билишимча сиз қўшма корхонада ишлайсиз. Агар қарши бўлмасангиз машинага вақтинчалик қўқ рангли давлат рақамини тақиб, фирма номига расмийлаштириб берсангиз.

Нуриддиннинг унинг тақлифини ўйлаб кўришни маълум қилиб, корхона рақами билан маслаҳатлашган, унга бу ҳақда маълум қилишни айтиди. Уловини фирма номига расмийлаштириш учун унинг эгаси ҳам шу корхона ишчиси бўлиши даркор эди. Ну-

риддин рақабарини амаллаб кўчирди. Улугбек Тожидинов томонидан сотиб олинган автолуов хорижий ваколатхона номига расмийлаштирилди ва фирма томонидан автолуовнинг техник ҳолатига қараб юриш учун У.Тожидиновга 1 ой муддатта ишончнома берилди.

Улугбек Тожидинов ваколатномани қўлга киритган, ўзида ишонч пайдо бўлган арслондек ҳали ўзининг тўлиқ мулкига айланиб улгурмаган «Шевролет Оптра» автомашинасини сотиш учун харидор қидира бошлади. Таниши Фарҳод билан келишган ҳолда Сергели туманидаги автолуов билан сотиш бозорида чиқишди. Бозорда пайдо бўлган янги хорижий машинасини кўрган Даврон Улугбекнинг ёнига келиб, машинага харидор топа бошлади.

Хотинига машина олиб бериш мақсадида бозорга тушган Салим ака ва турмуш ўртоғи Гулнеҳра унга рўбарў келишди.

— Ака, зўр машина бор, — деди Даврон. — Хорижнинг янги машинасини эгаси муҳтожликдан сотмоқчи экан, ана бир кўринг.

— Қанчага сотасизлар? — Пулга муҳтожликдан борлиги учун 20 минг АҚШ долларига сотаман. Бирламчи 10 минг доллари берасиз, қолганини 4 ой давомида берсангиз ҳам бўлади, — деди Улугбек.

Янги хорижий машинасини сув текнига тушганидан ўзида йўқ хурсанд Салим ака орқали савдолашиб ўтирмадан Улугбекнинг қўлига 100 АҚШ доллари нақд тўлаб қўйди.

— Автоматини ҳисобда турган фирмдан машинани хайдаш учун ишончнома ва сугурта полисини келтириб берганингиздан кейин қолган пулни оласиз, ука, — деди Салим.

— Ака, бу ёғидан хавотирланманг, ҳужжатларни ўзим расмийлаштириб берман, — жавоб қилди Фарҳод.

— Бундан чиқди фирибгарларнинг қўлига тушибман-да, энди қолганини ИИБ ходимлари аниқлаштирилди, — деди Салим ва чиқиб кетди.

— Ака, — деди С. Воҳидов Нуриддин Баҳриевнинг олдида келиб, — хотинимга яхши ниятлар билан машина олиб берувдим, энди қайси юз билан унинг ишқали бор экан, сохталлигини кўриб:

— Бу сохта ҳужжат, бу менинг имзоим эмас, — деди.

— Улугбек мен билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилмасдан қочиб юрганлиги учун мен машинани йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати ходимларига айтиб, қидирувга бердим, — деди Нуриддин Баҳриев.

— Ака, безовта қилмадими, — сўради Даврон Салимга қўнғироқ қилиб.

Салим ака машина бозоридаги даллалонлик қўнғироғидан бироз ажабланган бўлса-да, бунинг сездирмади.

— Тинчликми, — сўради у.

— Ака, олган машинанингизнинг ҳужжатларида ишқаллик бор экан, шу иш бўйича Фарҳод қидирувда экан, — деди Даврон.

— Бўпти, сиз Улугбекдан 19 400 АҚШ долларини олган бўлсангиз қолган яна 11 900 долларини мен сизга берман. Машинани менинг корхонамнинг номига расмийлаштириб берасизми?

— Бўпти, келишдик, — деди Нуриддин тақлифга қўниб...

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суди 1980 йилда туғилган Улугбек Тожидинов ва 1977 йилда туғилган Фарҳод Эгамбердиевни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан айбли, деб топиб уларнинг ҳар иккисини тегишли тартибда жавобгарликка тортиди.

Бировнинг ишончига кириб, унинг мулкни эгаллаш мақсадида фириб ишлатиб бойлик орттирмақчи бўлган шахслар уларнинг но-боб кирдиқорлари билан қонундан қочиб қутулмайдилар. Эртаими-кечми уларнинг жинояти фож этилиши ва бунинг учун жавобгарликка тортилиши тайин. Юқоридаги икки фирибгар ҳам бунинг кеч бўлса-да, англаб етдилар.

С.ТАШХОДЖАЕВ,
Шайхонтоҳур туман
прокуратураси терговчиси,
Нилуфар ЖУМАЕВА,
журналист

«Ёз — 2011»

БОЛАЖОНЛАР — ОРОМГОҲДА

Айни ёз палласида мамлакатимизнинг барча жойларида болалар таълим мавсумини мароқли ўтказмоқда. Уларнинг ёзги дам олишини юксак савияда ташкил этиш учун барча шарт-шароит яратилган. Бунинг мақсади ва лицейлар қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳлар фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда пойтахтимиздаги ўқув муассасалари қошида 50 кундузги соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилди. Бу йилги мавсумда ушбу масканларда 12 ярим мингдан зиёд ўғил-қиз кўнгулдагидек хордик чиқаради. Ўғил-қизларнинг таътилдаги вақтини мазмунли ўтказиш, ота-оналар учун қулайлик яратиш мақсадида ташкил этилган бундай масканларда болаларнинг нафақат дам олиши, балки интеллектуал салоҳиятини ошириши, ҳунар ўрганиши, фойдали меҳнат билан шуғулланиши учун ҳам барча зарур шароитлар яратилган.

Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги 118-мактаб қошида очилган «Қалдирғон» кундузги оромгоҳи ана шундай сўлим дам олиш масканларидан бири.

— Оромгоҳимиз шаҳар ташқарисидеги стадион оромгоҳдан қолишмайди, — дейди унинг раҳбари Раъно Пулатова. — Болаларнинг дам олиши, ўқув йили давомида олган билиминини мустаҳкамлаш учун қулай имкониятлар яратилган. Ҳозирга қадар оромгоҳимизда 240 нафар бола ёзи таътилни мароқли ўтказди. Мавсум давомида яна шунча ўғил-қизларнинг дам олиши режалаштирилган. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари билан ҳамкорликда кўнгулчар тадбирлар, спорт мусобақалари, турли машғулотлар ўтказмоқдамиз. Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, мушоиралар, давра суҳбатлари, танқиди адиб ва санъаткорлар билан учрашувлар болажонларнинг билим ва дунёқараши-ни кенгайтиришга хизмат қилайти.

Айниқса, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилаётган турли интеллектуал ўйинлар, «Ким эгичилу ким чакқон», миллий спорт мусобақалари болажонларда катта таассурот қолдирмоқда. Тадбирларда фаол иштирок этган тарбияланувчилар муносиб рағбатлантирилмоқда.

Фарзандларимизнинг маънавий оламини бойитиш, юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, янги барпо этилган иншоотлар билан таништириш мақсадида музейлар, театр ва маданият масканлари, ҳайвонот ва истироҳат боғларига саёҳатлар уюштирилмоқда.

— Оромгоҳдаги дўстларимиз билан Темурийлар тарихи давлат музейига бордик, — дейди Яққасарой туманидаги 279-мактаб ўқувчиси Азиз Йўлдошев. — У ердаги бир-биридан қизиқ экспонатлар менда катта таассурот қолдирди. Ҳар бир кунимиз мазмунли ва мароқли ўтмоқда. Турли тўғараклар ва мусобақаларда қатнашмоқдаман.

Болаларни фойдали машғулотларга жалб этиш мақсадида моҳир кўлар, мусика, расм чизиб, бисер тўқиш, ёш таржимонлар, шахмат-шашка, бадий гимнастика сингари тўғараклар ташкил этилган. Уларда туман халқ таълими тизимидеги муассасаларнинг малакали ўқитувчи ва мураббийлари машғул олди бормоқда.

Ёш авлод қамолоти йўлида давлатимиз томонидан яратилаётган бундай кенг имкониятлар негизда ўғил-қизларнинг барча соҳаларда ўз иқтидорини намоян этишига кўмаклашиши, уларни ҳар томонлама соғлом ва барқамол вояга етказишдек эзгу мақсадлар мумкин.

Гўзал САТТОВА,
ЎЗА мухбири

Таълим

ИХТИОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИДА

Мамлакатимизда балиқчилик соҳасида кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази томонидан тақдим этилаётган тавсиялар ҳам амалиётда қўл келмоқда.

Ўзбекистон Миллий университетидеги шу соҳа учун малакали кадрлар тайёрлашга киришилгани нур устига аъло нур бўлди. Ихтиология бўйича бакалаврият очилганлиги ёш мутахассислар тайёрлаш учун кенг имконият яратди. Олий ўқув юрти «Минтақавий халқчилик питомини» шўба корхонаси билан тузилган ҳамкорлик шартномасига биноан ўқув-амалий машғулотлар олиб бормоқда.

ЛИЦЕЙДА КОМПЬЮТЕР СИНФЛАРИ

Тошкент Ислох университети ҳузуридаги академик лицейда компьютер таълими яхши йўлга қўйилган. Ўқув даргоҳида иккита компьютер синфида шу йўналишда машғулотлар олиб борилади.

Қорейдан келтирилган компьютер қурilmалари ҳам амалиётда қўл келмоқда. Биринчи ва иккинчи босқичда информатика курсидан сабоқ берилмоқда. Бу босқичда толиби илмлар информатика фани тарихи ривожланиш босқичлари, амалиёт дастурлари бўйича қўшма ҳосил қилишаётир. Учинчи босқичда эса ахборот технологиялари фани бўйича билим олишаётир.

РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ГОЛИБИ

«Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази» республика босқичи голиблари аниқланди.

Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини яхшилаш, илгор иш услублари ва тажрибаларини омаллаштириш мақсадида уюштирилган бу беллашувда Тошкент шаҳар педагогика коллежи ахборот ресурс маркази раҳбари Саодат Камолова фахрли ўчинчи ўринни қўлга қиртиди.

Озод ВОХИДОВ

Қарши Давлат университети томонидан 2003 йил 21 июлда Алиева Малика Холмирзаевна номига берилган 4078 рўйхат рақамли, В 136529 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Спорт

ОРЗУЛАРИМ РЎЎБИНИ ЁШЛАР
ФАОЛИЯТИДА КЎРМОҚДАМАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хар бир ота-она фарзанднинг соғлом бўлиб улғайишини, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини, эл-юртга хизмат қиладиган яхши инсон бўлиб етишишини истайдди. Бу борада мен ўзимни бахтли инсон, деб ҳисоблайман. Оиламизда спортга бўлган алоҳида меҳр ва юртимизда ёш спортчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор туфайли иккала ўғлим ҳам спортни танлади. Катта ўғлим Темур белбоғли кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони. Кичик ўғлим Бобур эса ўн етти ёшида Пекин Олимпиадасида иштирок этди.

Истиқлол йилларида шахмат бўйича Рустам Қосимжоновнинг жаҳон чемпиони бўлиши, дзюдо бўйича Абдулла Тангриев ва Ришод Собировнинг Пекин Олимпиадаси совриндори бўлгани ёки шу кунларда Мексикада ўн етти ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоасининг муваффақиятли иштироки наинки спортсевар инсонларни, балки бутун юртдошларимизни қувонтиргани шубҳасиз.

Хар сафар мамлакатимиз спортчиларининг нуфузли мусобақаларда муваффақият қозонганини эшитсам, шу юртда туғилганимдан қалбим чексиз гурур ва ифтихорга тўлади, шукрона айтаман. Шундай дамларда беихтиёр ёшлик даврим эсимга тушади...

Болалигим Сирдарё вилоятининг чекка бир қишлоғида ўтган. Қишин-ёзин далада меҳнат қилиб, кўримсизгина мактабда ўқирдик. У пайтлар халқаро мусобақаларда қатнашиш у ёқда турсин, спорт билан яхшироқ шугулланиш учун ҳам шароит йўқ эди.

Яхшики, тўй-сайилларда кураш, улоқ-кўпқари мусобақалари ўтказиб туриларди. Биз орзу қилган йирик мусобақа ҳам ана шу курашу кўпқарилар эди. Уларда юртимизнинг номдор полвонларию чавандозлари қатнашарди. Орномус, гурур учун гиламга чиққан полвонларга хавасимиз келарди, улардай бўлишни орзу қилардик. Шу боис бўлса керак, болалигимдан спортнинг яқкакураш турларига қизиқдим. Тўй-сайилларда даврага чиқа бошладим. Илк устозим Марат Туроз ўғли мендаги иштиёқни кўриб, юнон-рум кураши секциясига етаклаб келди. Қишлоғимиздан тўрт-беш чақирим узоқда жойлашган спорт тўрагагига қатнай бошладим...

Спортга бўлган интилиш ва қизиқимнинг кучлиги туфайли туман ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда, кейинчалик республика чемпионатларида қатнашиб, совриндор бўлдим. Яқкакурашнинг тўртта тури бўйича спорт устаси унвонига эга бўлдим.

Аммо, у пайтларда жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинлари сингари нуфузли мусобақаларда қатнашиш қаерда дейсиз. Эсимда, 1971 йили Минскда юнон-рум кураши бўйича собик иттифоқ чемпионати ўтказилганди. Унда галаба қозонган спортчи Олимпия ўйинларида иштирок этиш имконига эга бўларди. Мусобақада галаба қозондим, лекин негадир Олимпиадага мени олиб кетишмаган ва бу нуфузли мусобақада қатнашиш армон бўлиб қолган... Ана шу армонларни, орзуларни рўёбини истиқлол туфайли ёшларимиз, фарзандларим мисолида кўрмоқдаман.

Бугун деярли хар кун нуфузли мусобақаларда иштирокчи давлатлар қаторида Ўзбекистон номи баралла янграмоқда, Ватанимиз байроғи халқаро спорт ареналарида хилпирамоқда. Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан кураш ва белбоғли кураш сингари миллий қадриятларимиз халқаро спорт тури сифатида дунё миқёсида кенг оммалашмоқда. Спортчиларимиз эришаётган ютуқлар йилдан-йилга кўпайиб бораёттир. Ахир, бундан фахрланмай, гурурланмай бўладими?!

Юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт мажмуалари, сузиш ҳавзалари барпо этилмоқда, умумтаълим мактабларида спорт заллари бунёд этилиб, улар замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланмоқда.

Аммо, шунга қарамай, баъзи ота-оналар айрим керакли-кераксиз тўй-ҳашамларга, йиғинларга аямасдан пул сарфлаган ҳолда, фарзандининг спорт билан шугулланишига оғринганини кўрсам, афсусланаман. Жисмоний тарбия ва спорт ёшларни соғлом турмуш тарзига ўргатишда, хар томонлама етуқ шахс бўлиб улғайишида муҳим аҳамиятга эга эканини айримлар ҳали тўла англаб етмагани таассуфли ҳолдир.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, эрта ёшдан спорт билан мунтазам шугулланадиган болаларгина жисмонан соғлом, бақувват бўлиб вояга етади. Шу асосда хар бир ота-онанинг эзгу орзуси бўлиши соғлом фарзанд ўстириш, аҳолимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини мустақкам қарор топтириш учун катта имкониятлар пайдо бўлади.

Қадимда Юнонистонда бир тошга «Соғлом, ақли ва кучли бўламан десанг, югур», деган битик ёзилган экан. Буюқ алломамиз Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» китобида бадантарбиянинг инсон саломатлигидаги ўрни хусусида кўплаб қимматли фикрларни қайд этган.

Шунга мувофиқ, хар бир инсон кунига ярим соат бадантарбия қилса ёки бир-икки чақирим югурса, саломатлигини мустақкамлайди, фарзандлари ўртасида ҳам соғлом турмуш тарзини тарғиб қилади, деб ўйлайман.

Мустақиллигимиз туфайли нафақат юртимизнинг қиёфаси, балки шу юртда яшаётган хар бир инсоннинг, айниқса, келажгимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг фикрлаши, дунёқараши ҳам ўзгарди. Улар қайси соҳада фаолият юритмасин, ўз манфаатлари халқ манфаатлари билан муштарак эканини, жамиятимиз раванги, Ватанимиз тарақиётига хизмат қилиши лозимлигини яхши англайди. Бу – истиқлол берган буюқ неъматларнинг амалдаги ёрқин бир ифодасидир.

Байрам АЙТМУРОВОВ
ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ БЕЛЛАШУВЛАРИ

Футбол бўйича Ўзбекистон Кубоги нимчорак ҳамда ярим финал беллашувларининг айрим баҳслари бўлиб ўтди.

Маълумки, Ўзбекистон Кубоги нимчорак финалининг «Пахтакор» — «Андижон» жамоалари ўртасидаги дастлабки учрашувда тошкентликлар 3:1 ҳисобида галаба қозонишган эди. Андижонда уштирилган такрорий беллашув ҳам тошкентликларнинг 4:1 ҳисобидаги ютуғи билан якунланди. «Андижон»дан — Л.Солиев, «Пахтакор»дан Шарофуддинов, Андреев (2та), Шихов гол муаллифлари бўлишди.

Шунингдек, Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг иккита учрашу-

ви уюштирилди. Жиззахда «Бунёдкор» билан куч синашган «Сўғдиёна» жамоаси меҳмонларга 3:1 ҳисобида имкониятни бой берди. Шу кун мухлислар «Сўғдиёна»дан С.Ҳамидов, «Бунёдкор»дан — А.Раҳимов, Манзукас (2та) томонидан киритилган чиройли голлар гувоҳига айланишди.

Шунингдек, Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг «Машъал» — «Насаф» учрашувда 2:0 ҳисобида меҳмонларнинг қўли баланд келди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Мексика пойтахти Мехико шаҳрида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида уюштирилган XIX жаҳон чемпионатида илк марта иштирок этган Ўзбекистон терма жамоасининг ўйини халқаро миқёсда катта шов-шувга сабабчи бўлди, мутахассисларда илиқ таассурот уйғотди.

Чунки Алексей Евстафеев шогирдлари ўз гуруҳларида биринчи ўринни эгаллашди, фақат ярим финал йўлланмаси учун уруғвайлик тенгдошлари билан кечган баҳсда имкониятни бой бериб қўйишди. Хуллас курраи заминнинг саккизинчи кучли терма жамоаси деб эътироф этилган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси жаҳон чемпионатида ўзига хос рекорд ўрнатди. Осиё футбол конфедерацияси матбуот хизмати тарқатган хабарларга кўра, ўзбекистонликлар XIV жаҳон чемпионатида Япониядан кейин гуруҳ баҳсларида голиб чиққан Осиёнинг иккинчи жамоаси сифатида тарихга кирди. Эътиборли жиҳати ҳамюртларимиз жаҳон чемпионатлари тарихида китъамиздан дебютант сифатида қатнашган ҳолда гуруҳ голиблигига эришган.

РЕКОРД СИФАТИДА
ҚАЙД ЭТИЛДИ

Умуман олганда, шу пайтгача ўтказилган барча жаҳон чемпионатларида китъамиздан уч жамоа — Хитой, Саудия Арабистони, Эрон гуруҳ босқинчи биринчи ўрин билан якунлаган. Лекин бу йилги чемпионатда «В» гуруҳи голиби бўлган Япония, 2009 йилги чемпионатда гуруҳ голиби бўлган Эрон дебютант сифатида қат-

нашмаган. Шу туфайли ҳам ФИФА томонидан Ўзбекистоннинг эришган натижаси Осиё китъасининг рекорди сифатида қайд этилди. Шунингдек, терма жамоамиз ҳужумчиси Темур Ҳакимовнинг Чехия дарвозасига киритган голини халқаро мутахассислар чемпионатнинг чиройли голлари қаторига қўйишди.

БАЛЛИ, ЎСМИР ЁШЛАРГА!


Ўзбекистон футболни Саҳифасин кенг очган, Осмонда чарақлаб Юлдузин, дурин сочган, Эзгуликка интилиб, Ҳалоллик нурин сочган Балли, ўсмир ёшларга, Уқтам, чайир ёшларга!

Ўзбекистон шаънини, Олам узра таратган, Мадҳийси, тийинини Чикагога янграган, Футбол ихлосмандларин Узига тик қаратган, Балли, ўсмир ёшларга, Уқтам, чайир ёшларга!

Бола бошдан, дегандай, Боши тошдан, дегандай, Она сути, сеҳри-ла, Маҳалла-куй меҳри-ла, Ҳалол лўқма ва таом Бир-ла ўсган пок, соғлом Балли, ўсмир ёшларга, Уқтам, чайир ёшларга!

Шундан эл-юрт дуода: Бахти бўлсин зиёда Рақибин лол қолдирсин! Ўйингоҳга таралсин Галабанинг садоси, Ором олсин шайдоси! Балли, ўсмир ёшларга, Уқтам, чайир ёшларга!

Искандар РАҲМОН

ГИЛАМДА — ЖАЖЖИ
СПОРТЧИЛАР

Спортнинг нафис ва гўзал тури бўлиши бадий гимнастика ривожини йўлида юртимизда кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Кейинги йилларда шахримизнинг мактабгача таълим муассасаларида ҳам бадий гимнастика тўғрисидаги фикримизга далил бўла олади.


Тошкент гидрометеорология касб-хунар коллежи спорт залида ҳам бадий гимнастика бўйича қизиқарли мусобақа ўтказилди. Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, туман халқ таълими бўлими ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида уюштирилган ушбу мусобақада Шайхонтоҳур туманидаги мактабгача таълим муассасалари жамоалари голиблик учун ўзаро кураш олиб боришди.

Келажгимиз ворисларининг жисмонан бақувват, маънан етуқ тарзда вояга етишларини таъминлаш, уларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилишларига имкон яратиш мақсадида

ташкил этилган ушбу мусобақа кескин курашларга бой, қизиқарли ва муросасиз кечди. Шиддатли ўтган турнир якунида шохсупанинг энг юқори поғонасига 259-мактабгача таълим муассасаси жамоаси кўтарилган бўлса, фахрли 2-3-ўринлар 484 ва 84-

мактабгача таълим муассасалари жамоаларига насиб этди. Голиб ва совриндорларга мусобақа мутасаддилари томонидан таъсис этилган совринлар, эсдалик совгалари тўғрисида этилди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ
СУРАТДА: мусобақадан лавҳа

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ
ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

МУСИҚА ВА ҚЎШИҚ ҲАҚИДА

Муסיқа — қалблар овози.

Муסיқа она алласидан бошланган.

Қўшиқ — кўнгилга чироқ ёқувчидир.

Қўшиқ — ишқ оташида тобланган.

Муסיқа кўнгил ғуборини ювиб тозалайди.

Муסיқанинг тафти оламини иситган.

Қўшиқ — дилдан чиқиб, дилларга боради.

Қўшиқ дил исёнини босади.

Муסיқа қалб тафтидан яралгандир.

Қўшиқ жасоратга бошлай билади.

Торни бармоқ эмас, юрак чалади.

Қўшиқ — ёшликка чорловчидир.

Муҳаббатнинг ҳамроҳи куйдир, шунга кўра, ишқ кўшиқ бўлиб кириб келади.

Ёшлар бор жойда албатта кўшиқ бор.

Қўшиқ — тўйда ҳам, азада ҳам, ҳатто уруш майдонида ҳам ишлатилади.

Ашула — жисмоний ишга мадад.

Куйни таржима қилиб бўлмайди.

Алла — дунёнинг ягона умуминсоний қўшиғидир, унинг миллати йўқ.

Яхши куй барча миллатнинг ҳам юрак торларини чертади.

Ёқимли муסיқага қалб нидолари жўрдир.

Синиқ кўнгилга — муסיқа мўмиё.

Юракдан куйлаш одамни даволайди.

Меъёрида рақс тушиш саломатликни мустақкамлайди.

Куйловчи қалб — кўрлидир.

Қўшиқларнинг йўли қалбларга туташган.

Ашулачи — ғазал бўстониининг сайроқ булбули.

Ашулани тил билан эмас, дил билан айтадилар.

Яхши куй — кўнгилни куйлатади.

Куй — офтобдек ҳаммага баробар баҳра берувчидир.

Куй ва кўшиқ — эзгулик экади.

Қўшиқ қалбдан тошгандагина, янграй бошлайди.

Дардли дилга кўшиқ малҳам.

(Давоми бор)

дан секундида 7-12 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-25, кундузи — 37-42 даража иссиқ бўлади.

Узидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 9 июлда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратилади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фазис пасайиши ҳаво бироз ўзариб туради, таъмин қилишмоқда, таъмиқдорли наст бўлади.

Тошкент шаҳрида 9 июль кунин бироз ҳаво ўзариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи — 39-41 даража иссиқ бўлади. Республика ҳудуди бўйича ҳаво бироз ўзариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Шарқ-

Узидромет ХАБАР ҚИЛАДИ



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилмиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
281 нускада босилади.
Қроғ битими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун маъсул Д. Исроилов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонаси, Корхона манзили: Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.